



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUG'I

2021 yil "31" 07

№ 181

Toshkent sh.

Республикада онкологик беморлар орасида шошилич тиббий ёрдам хизматиға мурожаатлар сонинг кескин ошиши муносабати билан ушбу беморларға кўрсатиладиган шошилич тиббий ёрдам хизмати сифатини ва самарадорлигини ошириш мақсадида **буюраман**:

1. Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология маркази (кейинги ўринларда-Марказ) ва унинг ҳудудий филиалларида онкологик беморларға куну-тун шошилич тиббий ёрдам кўрсатувчи постлар ташкил қилинсин.

2. Марказ (Тиллашайхов), Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари шошилич ёрдамға мухтож бўлган онкологик беморларға куну-тун хизмат кўрсатиш чораларини кўрсин.

3. Марказ ҳамда Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (Максудов) билан биргаликда:

Марказ ва унинг ҳудудий филиалларида онкологик беморларға куну-тун шошилич тиббий ёрдам кўрсатувчи постларнинг мавжуд штат доирасида шакллантирилишини;

шифохоналарнинг мавжуд захирасидан ўрнатилган тартибда дори-дармон ва тиббий буюмлар ажратилишини таъминласин.

4. Ихтисослашган марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси (Артиков) муассасаларда шошилич тиббий ёрдам кўрсатувчи постлар ташкиллаштириш ва иш фаолиятининг назоратини мунтазам равишда мониторинг қилишни таъминласин.

5. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазир ўринбосари У.Сабилов зиммасига юклансин.

Вазир

А.Хаджибаев